



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири:
и.ф.н., доц. Я. Алиев _____

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ ” _____ 2011 йил

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича битирувчи

ҚОДИРОВ НОДИРНИНГ

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Наманган вилоятида янги иш ўринларини яратишда хусусий тадбиркорликни тутган ўрни” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи:

Қодиров Нодир _____

Илмий раҳбар:

доцент Я.Алиев _____

Наманган – 2011й.

МУНДАРИЖА

Бет

Кириш.....	3
I-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни.....	
1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти.....	7
1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг афзалликлари ва камчиликлари.....	19
II-боб. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	
2.1. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳозирги ҳолати таҳлили.....	33
2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиявий кўрсаткичлари таҳлили.....	40
III-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш масалалари.....	
3.1 Кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш йўллари.....	54
3.2. Янги иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	60
Хулоса ва таклифлар.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўй хати.....	70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб

бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди. Зеро, Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганларидек, «Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди»¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилишда катта маблағ талаб этмаслиги, уларни кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли жойларида ҳам ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Республикаимиз аҳолисининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга олсак, бу долзарб ижтимоий-иқтисодий масала эканлиги ёрқин кўриниб турибди.

Дунёдаги кўплаб ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, ўзимизнинг ўтган йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларимиз бир ҳақиқатни яққол тасдиқламоқда. Яъни юқорида зикр этилган соҳалар, биринчи галда, биз учун ўткир бўлиб турган аҳолининг бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив

¹ “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу соҳа ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айтиш керакки, айнан шу одамлар ўз бизнесини ривожлантириш ва кучайтиришдан, шу аснода иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда энг кўп манфаатдор бўлган инсонлардир. Айнан ана шу шахслар жамиятда барқарорлик ва ер юзида тинчликни мустаҳкамламасдан туриб, юқорида зикр этилган, эзгу мақсадларга эришиб бўлмаслигини чуқур тушунадиган одамлардир.

“Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш бизданқанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талабқилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак. Биз ҳаммамиз, мана шу залда ўтирганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкилқилишда ва аҳоли даромадларини оширишдақанчалик ўта муҳим рол ўйнашини албатта чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизацияқилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса биланқиёслаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимиздақандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқоридақайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички

маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман”².

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг йирик иқтисодчи олимлари иш олиб боришган ва ҳозирда ҳам иш олиб боришмоқда. Булар жумласига академик М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Ю.Дадабоев, профессорлар, Ё.Абдуллаев, А.Ўлмасов, А.Абдуғаниев, Х.Собиров, Н.Ҳасанов, Р.Ҳусанов ва бошқалар. Мавзунинг мақсад ва вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти аниқлаш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг афзалликлари ва камчиликларини очиб бериш;
- Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳозирги ҳолати таҳлил қилиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилиш;
- Кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш йўллари аниқлаш;
- Янги иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

БМИнинг объекти сифатида, Наманган вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳисобланади.

² “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

БМИнинг предмети кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаоляти ва уларни иқтисодийтимизни ривожлантиришга таъсири ҳисобланади.

БМИнинг услуги ва усуллари Ўзбекистан Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришга қаратилган назарий ғоялари ҳисобланади. Мавзунини ёритиш жараёнида иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, таққослама таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилади.

Ишдаги илмий янгиликлар қуйидагилар: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолятини ташкил этишнинг аҳамияти аниқланди;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг афзалликлари ва камчиликларини очиқ берилди;
- Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинди;
- Кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш йўллари аниқланди;
- Янги иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тутган ўрни

1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир”³.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси– Т.: Ўзбекистон, 2010.

“Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли махсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш лозим”⁴.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, “Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак. Биз ҳаммамиз, мана шу залда ўтирганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим рол ўйнашини албатта чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизацияқилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан

⁴ “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 9 Феврал 2011

аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимиздақандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман”⁵.

Шу билан бирга, эришган муваффақиятларимизни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар тажрибаси билан таққослаган ҳолда танқидий баҳолар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, Ўзбекистонда ҳали бу йўналишдақилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Бу ҳақда гапирганда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни истардим:

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янадақулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кэнг еркинлик бериш, бюрократик тўсик вағовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитинингқандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор. Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳарқандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатиғақаршиқаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатанқонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормалариниқўллаш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиганқонун ҳужжатларини танқидий таҳлилқилиш вазифаси топширилади. Ескирган,

⁵ “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайитириш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кэнгайтириш зарур.

2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кэнгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалдақўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харидқилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очик электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилади. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кэнгайтириш борасидаги ишларни давом еттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор⁶.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини жадал ривожлантириш асосида мулдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий

⁶ “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

сармояларни бевосита олиб кириш учун бир қатор мақбул шароитлар яратилиб келинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан тавсифланади:

- мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасидаги ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда беш нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

- мулк шаклларидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда қирқ нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида йигирма нафаргача, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналардир ⁷.

Шунингдек ўзининг ёки бошқа шахсларнинг жалб этилган мол-мулки асосида, ўз меҳнати ёки ёлланган меҳнатни қўлланиш воситасида, таваккал қилиб мулкий жавобгарликни зиммасига олиб, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга, фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ вазифаларини биргаликада ҳал этиш, улар ўзларининг уставидаги вазифаларни руёбга чиқариш учун ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар. Мулк шаклидан қатъий назар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун йилига белгиланганидан кўпроқ, лекин, ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқари соҳаларда 20

⁷ Абдуллев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Т.2000 й. 8-бет.

нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияларни олиб киришларида, республикамиздаги қонунчиликка асосан божхона тўловларидан озод этилганлар. Солиқ муносабатлари бўйича ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркор корхоналарига ҳам енгилликлар бериб ўтилган. Шунингдек бундай турдаги корхоналарни ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш ишлари ҳам амалга ошириб келинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлатимиз томонидан ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таркибида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуни алоҳида эътироф этиш мумкин. Ушбу қонуннинг 6-моддасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлари кўриб ўтилган, яъни давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий-молиявий меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди. Вазирликлар, Давлат Қўмиталари, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари масалаларига оид ҳамма учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлари тегишли бўлган Адлия Вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатига олиниши зарур. Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этилганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолияти аралашувига йўл қўйилмайди.

Маҳаллий давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалдаги ҳуқуқий норматив ҳужжатлари белгиланган тартибда қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олган:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзларни белгилайдилар;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадиладар;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан микрокредитлар бериб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланмоқда. Микрокредит қуйидаги фаолият йўналишларига берилиши ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган:

- Кичик ускуналарни харид қилишга;
- Хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруглик, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омехта ем, ветеринария, дори-дармонлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, кимёвий воситалар ва минерал ўғитларни сотиб олиш;
- хом-ашё материалларига бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроли, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёлар харид қилиш;
- халқ бадиий ҳунармандчилик амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни салашни ривожлантириш;
- сайёҳлик соҳасини ривожлантириш;
- кичик куламадаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик билан таъқиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларига берилиши кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида белгиланган бўлиб, исталган мулкчилик шаклида ташкил этилиши мумкин. Уларга аралаш корхоналар, оилавий корхоналар, масъулияти чекланган ёки қўшма масъулиятли жамиятлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ижара корхонаси, жамоа корхонаси, давлат корхонаси ва тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бошқа корхоналарни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, энг аввало, "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлиб қолади⁸.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон

⁸ И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Туркистон газетаси. 14.02.09, 3-бет.

иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва макбўл воситага айлантиради.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Мамлакатимизда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, фақат бозор муносабатларигина шахс ва жамият манфаатларини энг самарали бирлаштирган йўлдир. Ишлаб чиқилган концепсия бўйича: «Барқарор бозор иқтисодиёти очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий

давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак» деб таъкидланган.

1996 йилни 2-ярмида инқироз тўхтаб, мўътадил иқтисодий ўсишга ўтилди. Бу даврларда давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида ишлар олиб борилди, аралаш иқтисодиёт яратилди ҳамда нодавлат мулк шакллари етакчи бўлиб қолди. Бу саноат, қишлоқ, хўжалиги, савдо, транспорт ва бошқа хизмат соҳаларида муҳим рол ўйнамоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришни кейинги босқичлари 2000 йилдан бошланиб, унда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифалари қўйилган эди.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича: давлат ва хусусий, жамоа мулкларини ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилади. Бунда хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш рўй бермоқда. Хусусий мулк миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўп укладли иқтисодиётнинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчилигини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги, барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Аммо, Ўзбекистон учун бу масаланинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ечилиши, яъни деҳқоннинг ерга, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эгалик ҳиссини қарор топтириш алоҳида аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида яратилган бойлик ЯММда ҳал қилувчи мавкега айланиши керак. Бу нарса аҳоли фаровонлиги ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим омил бўлади. Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг барча тармоқларида нодавлат мулк ривожланиб келмоқда.

Энг асосийси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, унинг хўжалик фаолиятига асоссиз равишда аралашадиган, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишига ёрдам кўрсатиш ўрнига ҳалақит берадиган турли хил назорат

идораларини тартибга келтириш талаб этилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида билимдон ва юқори малакали бошқарувчи кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг иқтисодий-ҳукукий маданиятини ошириш алоҳида аҳамиятлидир.

Бу йўл ривожланган мамлакатлар тажрибаси синовидан ўтган ва ўз самарасини бермоқда. Кичикдан каттага, оддийдан мураккабга бориш фалсафий жиҳатдан ҳам тўғридир, чунки бирданига катта корхона яратиш қийин, уни бошқариш ва самарадорлиги ҳам етарли бўлавермайди. Энг ривожланган АҚШ, Япония, Франция ва бошқа давлатлар ҳозирги даврда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига суянадилар. Академик Н.Амосов фикрича, инсонларнинг хусусий мулкка бўлган мойилликлари уларнинг табиатидан келиб чиқади. Инсонларда индивидуаллик улардаги жамоа руҳидан устун туради, уларда хусусий мулкка нисбатан биолог эҳтиёж мавжуддир, мулк доирасида улар жуда самарали тарзда бошқарадилар⁹.

Йирик монополияларда ҳам хусусий корхоналар маҳсулотига катта эҳтиёж сезилади, энг муҳими мулкдорлик, «гегемонлик» психологияси етакчи бўлади, ўз мулкига муносабат (ижобий) кучлидир. Ундан етарли фойдаланиш катта иқтисодий самара бермоқда.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий вазифалардан бири давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишларни охиригача етказиш ҳисобланмоқда. Шунингдек ишлаб чиқаришни пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналар, тармоқлар, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий баркаролигига эришиш керак. Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, хом-ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилган, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мўлжалланган.

⁹ Амосов. Н. Яшаш учун қандай яшаш керак (Как жить чтобы выжить) Москва, 1990 йил.

Ҳозирги боскичда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва тармоқларида эркинлаштириш жараёни изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича жадал вазифалар олиб борилмоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолиятини ривожлантириш йўлида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бош вазифаси энг аввало корхоналарни иқтисодий барқарорлигини таъминлашдир. Ўзбекистон бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига кўпроқ эркинлик бериш лозим. Айниқса қишлоқ хўжалигида деҳқонни ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотига эгаллик ҳиссини қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ва интиланларга энг маъқул иқтисодий макон бўлиб қолмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолияти тараққиётимизда устувор ўрин олиши лозимдир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини шакллантириш ва унинг кўп киррали йўналишларини янада такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг, умуман олганда бутун бир иқтисодий тизим фаолиятини бир маромда ва самарали ривожлантириш учун уларнинг иқтисодий-ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини таъминловчи институтлар тизими мавжуд бўлиши шарт. Бозор инфратузилмаси субъектларининг ўзаро алоқалари ва уларнинг миллий иқтисодиётдаги бошқа тармоқ ҳамда муассасалар билан интеграциясини ривожлантиришда умумиқтисодий ва бозорнинг ўзига хос шакллари жорий қилиш, ўз навбатида давлат ва бозор бошқаруви тизимларини муқобиллаштириш талаб этади. Бизнинг фикримизча бозор

инфратузилмаси негизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолияти билан боғлиқ, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозимдир:

- мажбурий давлат буюртмаси механизми ва ишлаб чиқаришнинг марказлашган тизимда ресурслар билан таъминлашни тугатиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ўз ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятларини тадбир, этиш ва иш юргизишда эркинлик ва мустақиллик бериш;
- банкротга учраш механизми ва талабларини катъий амалга ошириш;
- жисмоний шахсларга ва уларнинг муайян мақсадли гуруҳларига қонунчилик доирасида ўз фаолиятларини мустақил белгилашларига шароитлар яратиш;
- товарлар бозорини шакллантириш учун зарур бўладиган муассасалар тизимини ташкил этишнинг қонуний асос ва йўналишларини ишлаб чиқиш.

Албатта, бундай ишларни самарали амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини ривожланишига, балки мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашига туртки бўлади.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг афзалликлари ва камчиликлари.

Ўзбекистон иқтисодиётининг замонавий ҳолатида, яъни иқтисодиётни марказлашган режали бошқаришдан бозор тамойиллари асосида бошқаришга ўтишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Иқтисодиётни таркибий қайта қўриш, истеъмол бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаларини айнан кам маблағ ва оз муддат талаб этадиган, ташкил этиш осон бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари

ёрдамидагина амалга ошириш мумкин бўлади. Бундан ташкари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари юқори даражада монополлашган миллий иқтисодиётимизга рақобат кириб келишини ҳам таъминлайдики, бу бутун иқтисодиёт учун ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, “Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада улай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф етиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор”¹⁰.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари булар бутун иқтисодиёт тармоқларида, мустақил фаолият юритувчи, бозорнинг иқтисодий субъектлари ҳисобланмиш ўн минглаб корхоналар демақаир. Бу корхоналар ҳеч қандай монопол бирлашмалар таркибига кирмаган ҳолда, уларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун қуйидагилар хосдир:

- ҳукукий мустақиллик;
- тадбиркорлик даромади олиш мақсадида корхонани мулк эгаси ёки ҳамкорлар томонидан бошқарилиши;

¹⁰ “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

- корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларининг катта миқдорларда эмаслиги (ишловчилар сони; устав фонди; товар айланиши; даромад ҳажми ва бошқалар)¹¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар йирик корхоналарнинг кичрайтилган нусхалари эмас, балки ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланувчи мустақил бир шаклдир. Уларни бошқаришни иқтисодий усуллари ҳам ўзига хос белгилари билан ажралиб туради. Уларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- бошқаришдаги энг юқори даражадаги марказлашув (яъни кичик бизнес корхонаси мулк эгаси ўз қўлида молиявий, иқтисодий, ижтимоий вазифа ва ҳуқуқларни жамлаб олади. Бу эса ўз навбатида корхона

эгасининг ишбилармонлик, тадбиркорлик даражасига бевосита боғлиқ қилиб қўяди).

- стратегик бошқарув ва режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги (кичик бизнес корхоналари фақат бугунги кундаги талаб учун ишлайдилар).

- ташқи омилларга қаттиқ боғлиқлик (яъни банкларга, йирик корхоналарга, давлат бошқарув органларига ва бошқаларга).

- молиявий ресурсларнинг доимий етишмовчилиги.

Шунга қарамасдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига бозор талабларига ўта тез мослашиш, ихтисослашувнинг юқори даражаси, керакли ва истиқболли йўналишларга тез ва эркин ўтиш каби ижобий ҳислатлар ҳам хос ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиш тажрибаларини ўрганган ҳолда уларнинг қуйидаги бир қатор афзалликларини кўрсатиб ўтиш маъқул бўлади:

- мулк эгалари сони кўпаяди. Мулк эгалари эса ҳар қандай жамиятнинг ҳар хил сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлардан сақлайдиган ўрта қатлам ҳисобланади;

¹¹ Ходиев Б.Ю ва б.к.лар. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент., Ўқитувчи, 2003 й. 12-бет.

- иқтисодий актив аҳоли сонини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий фарқни камайитиришга ва ижтимоий зиддиятларни олдини олишга хизмат килади;

- жамият аъзолари орасидан ишбилармон, тадбиркор инсонларни сараланиб чиқишига имкон яратади. Бу эса мазкур кишиларни эса уз вақтисоати билан йирик тадбиркор ёки давлат арбоблари даражасига етишиб чиқишлари ва 3 мамлакатлари халкига хизмат қилишларига шароит яратади;

- оз капитал маблағлар сарф қилиб, янги ишчи уринлари яратади. Бу эса айникса чекка иқтисодий заиф ҳудудларда меҳнат ресурсларини иш билан бандлик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади;

- жамият аъзоларининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини (нафақахўрлар, ўқувчилар, кўп фарзандли аёллар, уй бекалари ва бошқаларни) иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса уларни ижтимоий ҳимояланиш даражасини оширади;

- ишчи-ҳодимларни ўз малакаларини оширишларига имкон яратади;

- янги техника ва технологияларни, янги хил товарларни ишлаб чиқарилишини тезлатади, чунки кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг бозордаги рақобатга бардош беришларининг бошқа йўли йўқ.

- янги товар бозорларини кашф этиш орқали, йирик корхоналар фаолиятини ривожланишига кўмаклашадилар;

- йирик ишлаб чиқарувчиларнинг монопол ҳолатига барҳам берадилар ва бозорда соғлом рақобат бўлишини таъминлайдилар;

- аҳоли, уй бекалари қўлидаги молиявий ва бошқа ресурсларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига кириб келишини ва юқори самара билан ишлатилишини таъминлайдилар;

- иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни самарали йўлга қўйилишини таъминлайдилар;

- кичик бизнес эгалари жамғаришга ва инвестиция қилишга мойил бўладилар. Бу эса бутун иқтисодийётга ижобий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига бир қатор камчиликлар ҳам хос бўлиб, улар қуйидагилар:

- хавф-хатарларнинг юқори даражада бўлиши ва шунинг натижасида бозордаги ўрнининг ноаниқлиги;
- йирик корхоналарга боғлиқлик даражасининг юқорилиги;
- бошқарув ишидаги камчиликларнинг мавжудлиги, яъни профессионал даражада эмаслиги;
- бозордаги ўзгаришларга тез таъсирчанлик;
- қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишдаги қийинчиликлар;
- бўлажак ҳамкорларнинг юқори даражада эҳтиёткорлик кўришлари ва бошқалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари юқорида таъкидланганидек, асосан бугунги кундаги талабни қондириш учун ҳаракат қиладилар. Улар бозорга албатта бирон-бир зарур товар билан чиқадиладар. Улар бир томондан янги хил бир товар яратсалар, иккинчи томондан хатто эски турдаги товарни ҳам янги усуллар билан ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Кичик бизнес корхоналарида янгиликлар яратиш тез ва ҳеч қандай расмийчиликларсиз амалга оширилади. Бундай вазиятда эса йирик корхоналар одатда турли бўлимлар, лабораториялар ташкил этиш, режалар тузиш, уларни тасдиқдаш каби расмийчиликларга берилиб кетадиладар. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига эгилувчанлик, вазиятга мослашувчанлик хосдир. Улар тезлик билан янги иқтисодий шароитларга мослаша оладилар. Бу эса уларнинг энг муҳим белгисидир. Яна бу корхоналарга бир вақтнинг ўзида бир-неча ғоялар билан ишлаш хосдир. Агар бирон-бир ғоя самарасиз натижа берса, улар тезда бошқа ғояни синашни бошлаб юборадиладар.

Кичик бизнес корхоналари йирик корхоналардан фарқли равишда тартибсизликларга чидамли бўлади. Уларда янгиликларнинг кўпи ҳам ҳеч қандай режаларсиз бошланган ишлардан ҳам яратилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида кенг қўлланиладиган «уриниб кўрайликчи, бирор нарса чиқиб қолар» деган ибора йирик корхоналар учун умуман бегона. Шунга қарамасдан кичик бизнес корхоналарининг ютуқлари беқиёс эканлигини ҳисобга олган йирик корхоналар бугунги кунда ўз таркибларида кичик бизнес корхоналарини ташкил этишлари ҳам одатий ҳол ҳисобланади.

Йирик корхоналар эса одатда кичик бизнес корхоналарига қараганда бутунлай бошқача тартибларда ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Уларнинг йўлида доимо бир-қанча муаммолар мавжуд бўлади. Булар:

Биринчидан, йирик корхоналарнинг бошқарув (директорлар) кенгаши кўпинча бозордаги ҳақиқий аҳволдан узилиб қолган бўлади. Улар ўз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги товарларни ва уларга талабларни доимо кузатиб боришлари қийин. Шу сабабли улар ҳар қандай ўзгаришларга хавф-хатар сифатида қарашади. Улар фикрича хавф-хатарли ишга қўл ургандан бозорда фаолият кўрсатувчи кичик корхонани мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари билан сотиб олган анча ишончли ҳисобланади.

Иккинчидан, йирик корхоналарда ўрнатилган тартиб-интизомни ўзгартиришни маъқул кўришмайди. Агар йирик корхонага бирон бир интилувчан ходим ўз ғоялари билан келиб қолса, у ишдан кетади ёки ўз ғояларидан воз кечишига тўғри келади.

Учинчидан, йирик корхоналарда вақт муаммоси борки, агар корхона раҳбарияти корхона эгалари ёки инвесторлар олдида ҳисобот берадиган вақти яқинлашиб қолган бўлса, хавф-хатари юқори ёки узоқ муддатда натижа берадиган фаолият йўналишларига маблағ ажратиш кескин камайиб кетади.

Тўртинчидан, йирик корхона раҳбарлари янги товарларни эмас, режаларни тасдиқлашни яхши кўрадилар.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар тажрибаси, улардаги ривожланиш даражаси кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг тутган ўрни билан белгиланади. Турли тармоқлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб турган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси аста-секинлик билан йирик корхоналар ривожига қараганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ўтиб бораётганлигини кзатиш мумкин. Ривожланишнинг ҳозирги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мумкин. Ҳозирги вақтдаги фан-техника тараққиёти принципиал характердаги ўзгаришлар билан асосланади. Анъанани мамлакатимиз иқтисодиётида кенг миқёсда қўллаш лозим. Давлатнинг моддий, техникавий ва молиявий имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишга йўналтириш лозимлигини вақт кўрсатмоқда. Чунки мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги вақтдаги ривожи иқтисодиётнинг ушбу сектори ривожи билан белгиланади.

Мамлакатдаги йирик бизнес ва давлатга қарашли бўлган ишлаб чиқаришга қараганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари катта афзалликларга эга. Улар йирик дастлабки капитал талаб қилмайдилар, бозор иқтисодиётига мосланувчан бўладилар, бозордаги ҳар қандай ўзгаришни дастлаб сезадилар ва унга тезда мослашадилар. У йирик корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юқори даражада самарадорликка эришиш имкониятига эга. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида ҳам бир қатор афзалликларга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг яна бир муҳим афзаллиги уларнинг нисбатан кам миқдордаги капитал сиғимидир ва янги корхоналарни нисбатан қисқа муддатларда барпо этиш имкониятидир. Ушбу афзалликлар туфайли барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ривожига тўхтаб қолмайди, у ҳамма вақт ривожланишда бўлмоқда, чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган мамлакатларда ҳамма вақт қўллаб-қувватланмоқда. Кўп ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ташкилотлар мавжуд. Масалан, АҚШда - кичик бизнес Маъмурияти, Японияда - кичик ва ўрта бизнес бошқармаси, Францияда - кичик бизнес ва ўрта саноат Давлат котибияти, Буюк Британияда - кичик тадбиркорлардаги аҳволни ўрганиш бўйича қўмита фаолият кўрсатмоқда, ушбу ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборатдир:

1. Кичик бизнес корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатиш.
2. Давлат шартнома тизимида уларга маълум даражада ҳисса ажратиш.
3. Корхоналардаги ташкил этиш ва бошқариш ишларида уларга маслаҳат кўрсатиш.

Тижорат асосида фаолият юритишнинг хусусияти кичик корхоналарнинг маҳаллий бюджетлари ҳамда давлат бюджети воситаларидан фойдаланиш назарда тутилади. Маблағларнинг берилиши қайтар характерга эга бўлиб, бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Шу билан биргаликаа фаолият соҳаларини мақсадга мувофиқ, кредитлашни назарда тутди.

Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун йўналтириладиган давлат бюджети маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар берувчи тижорат банкларига кафолат ўрнини қоплаш мақсадида амалга оширилади. Японияда мамлакат ҳокимияти ва маҳаллий органлар янги корхоналарни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Улар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қонунчилик, молиявий кредит ва солиқ бўйича тадбирлар учун ташкилий қайта кўришларни амалга оширишни талаб этадилар. Японияда 500 дан ортиқ, савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари (шоҳобчалари) кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий, ташкилий, маслаҳат ҳамда таълим бўйича ёрдам бермоқдалар.

Японияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий асосини махсус фондлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш махсус фонди, шунингдек молиявий корпорациялар ташкил қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ҳамкорларни тўлов қобилиятларининг йўқлиги ёки фавқулотда ҳолатлар ва фикрлар натижасида юз берадиган ҳолатларга нисбатан ўта сезгир бўладилар. Шу сабабли, уларни суғурталаш тизими фаолияти кўрсатмоқда, юқоридаги ва бопща табиий ҳолатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталаш амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш томонларидан бири - мулк шаклидан қатъий назар барча иқтисодий субъектларнинг тенглик асосида фаолият юритишидир. Хўжалик юритишнинг барча субъектларида солиққа тортишнинг бир хил хусусиятлари амал қилиши лозим. Шу билан биргаликаа, нарх белгилаш, моддий-техникавий таъминот, молиявий ҳисобот ва назорат бир хил тартибда амалга оширилмоғи даркор. Улар томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва қатор имтиёзлар амалга оширилмоқда.

Англияда кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун учта ҳукуматга қарашли дастур мавжуддир, Жанубий Кореяда эса кичик бизнес корхоналари учун информацион тармоқларни яратиш ва маълумотлар базасини яратишнинг беш йиллик дастури ишлаб чиқарилган ва амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари катта аҳамият касб этмоқда, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш, бозорни янги ва зарур маҳсулотлар билан тўлдиришда унинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда етакчи ўрин эгалламоқда. Уларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали усул ва шакллари танлаш мумкин. Ривожланган мамлакатлар томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мавжуддир.

Бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган давлатлар иқтисодиётининг тезроқ номарказлашувини амалга ошириш ва бозор муносабатларини тезроқ жорий қилиш зарурияти ривожланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга интиладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий асоси иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, иш жойларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, солиқлар тўлашни яхшилаш ҳамда мамлакатнинг тўлов балансини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳимлиги билан асосланади . (1 расм)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий асоси аҳолининг ўз ишлаб чиқаришини яратиши ва ривожлантириши, ўз салоҳиятини амалга ошириш ва бундан моддий ва маънавий рағбат олиш, ўз фарзандлари учун янги имкониятлар яратиш билан белгиланади.

Ушбу иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий асослар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада жадаллаштиришга олиб боради. Шу билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини секинлаштирувчи бир қатор омиллар ҳам мавжуддир. Улар ичида энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Кредитга ва капитал манбаларга эришиш муаммолари.
2. Янги технологиялар, бозорлар, муносабатлар, алоқалар ва ҳамкорлар тўғрисидаги ахборотнинг камлиги.

3. Хом ашё манбалари ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлишдаги муаммолар.



1 расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг иқтисодий асоси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги яна бир муҳим муаммо - бу тадбиркорларда молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ва молиявий ресурсларни жалб этишдаги қийинчиликлардир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масаласи жуда долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

Америка Қўшма Штатларида 19 миллиондан ортиқ турли даражадаги фирмаларнинг 90 фоизидан ортиғи кичик бизнес фирмаларидир. Ушбу фирмаларга кредитлар бериш ва кафолатланган воситалар беришни 1953 йил Конгресс томонидан ташкил этилган кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият амалга оширади. Ушбу Маъмурият федерал бюджет воситалари ҳисобидан молиялаштирилади.

АҚШда кичик бизнесни субсидиялаш учун ажратиладиган давлат бюджети воситалари унчалик катта эмас. Улар кичик бизнес субъектларига кредит берувчи тижорат банклари кафолатини таъминлаш учун ўрнини

қоплаш учун бериледи. Бу банклар тадбиркорларга жуда паст даражадаги фоизлар билан кредитлар берадилар. Ушбу имтиёзли кредитлар тадбиркорларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш учун бериледи. Хатто, ишлаб чиқаришни техникавий қайта кўришда ҳам шундай имтиёзли кредитлар бериледи. Кичик бизнесга 600 та махсус банклардан иборат махсус тармоқ хизмат қилади. Лекин ҳозирги жаҳон инқирози туфайли банкларнинг кредит бериш нормаларини пасайиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш даражаларини камайишига олиб келди.

Европа Иттифоқида эса умумевропа даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда урта дастур амалга оширилади. Улар қуйидагилардир:

1. Тижорат корхоналари Бирлашмаси.
2. Бошланғич капитал.
3. Евротех-капитал.

Тижорат корхоналари Бирлашмаси мамлакатлараро кичик бизнес субъектлари ташкил этишни қўллаб-қувватлайди.

“Бошланғич капитал” кичик бизнес субъектларини ташкил этишни ва уларни бошланғич босқичларида яшаб қолиш учун молиявий имконият яратиш мақсадида ташкил этилган.

«Евротех-капитал» фонди эса юқори даражадаги технологик таракқиётга эришган трансмиллий корпорацияларни молиялаштириш билан шуғулланади.

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда хусусий шахсларнинг жамғармаларидан ҳамда банк кредитларидан фойдаланилади. Буюк Британиядаги давлат сиёсати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредит билан таъминловчи тижорат банклари манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Давлат бундай банкларни рағбатлантириш билан биргаликда кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича қатор мақсадли дастурларни амалга оширмоқда. Бу мамлакатда ташкил этилган «кредитлар кафолатлари» дастури бўйича

кўплаб самарали фаолият юритаётган тадбиркорларга суғурта мукофотлари тўланмоқда. Буюк Британияда кичик бизнесни молиялаштиришни амалга ошираётган махсус фирмалар мавжуддир. Жанубий Шаркий Осиё мамлакатлари ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни энг юқори даражада қўллаб-қувватлаётган мамлакат - бу Япониядир. Японияда имтиёзли кредитлаш, кредит бўйича кафолатлар суғурта воситаларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Давлат миллий, ҳудудий ва маҳаллий даражаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бормоқда. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари - қонуний, молиявий-кредит ва солиқ бўйича тадбирлардир. Японияда «Корхоналарга ёрдам беришни таъминлаш дастури» қабул қилинган. Ушбу дастур асосида кичик тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлаган ишсизларга давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилади.

Японияда вазирликларнинг йиллик сметаларида ҳар йили махсус моддада кичик бизнес корхоналари учун молиявий ресурслар ажратилади. Шу билан биргаликаа, бу ерда имтиёзли солиққа тортиш йўлга қўйилган. 500 та маҳаллий савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик бизнесга турли молиявий ёрдам бермоқда, маҳсулотлар бермоқда ва таълим бўйича кўмаклашилмоқда.

Жанубий Кореяда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 15 та ташкилот хизмат кўрсатмоқда. Улар асосан, савдони ривожлантириш, ташқи мамлакатларга чиқиш, ташқи бозорни эгаллаш, техникавий янгиликларни кичик корхоналарга бериш ҳамда ахборот хизматини яхшилаш кабиларга ёрдам беради¹².

Бу каби тажрибалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожланишини иқтисодиётни барқарорлашувининг асоси бўлибгина қолмай, жамиятнинг иқтисодий жиҳатидан юксалишнинг бош омили ҳамдир. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўзаро қийин бирикувчи меҳнат, материал ва молиявий маблағларини ўзига

¹² Ходиев Б.Ю ва б.к.лар. Кичик бизнесни бошқариш Тошкент., Укитувчи, 2003 и.

жалб этади, бандликни ҳал этишда бош ролни ўйнайди, иқтисодий ҳолатлар ўзгаришига тез мослаша олади. Лекин шуни назарда тутиш керакки, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири - бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ, муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини юксалиши албатта Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Шундай экан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

II-боб. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

2.1. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳозирги ҳолати таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама бераётган эътиборингиз, соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилган бир қатор фармон ва қарорларингизни ижросини таъминлашимиз натижасида вилоятда тадбиркорликка қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йил 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони 27525 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан (26548 та) 977 тага кўпайишига эришилди.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони ўтган йилга нисбатан 596 тага кўпайиб, уларнинг сони 24935 тага етди. Кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 2010 йил якуни билан 76 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 пунктга ўсди. Натижада, саноат тармоқларида 33,9 фоиз, қурилишда 85,5 фоиз, пуллик хизматда 63,9 фоиз, савдода 50,4 фоиз, асосий капиталга инвестиция киритишда 56,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса 99,0 фоиз, экспортдаги улуши 73,2 фоиз, импортдаги улуши 64,4 фоизга етди. Ҳисобот йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 247,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 143 фоизга ўсишига эришилди.

Бундан ташқари, аҳолига жами кўрсатилган хизматлар 770,8 млрд.сўмни ташкил этиб, 111,9 фоизга, пуллик хизматлар эса 277,4 млрд.сўмга ёки 117,9 фоизга ўсиши таъминланди. Вилоятда 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 34307 та

иш ўринлари яратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 11825 тага кўпдир. Яратилган янги ишчи ўринларининг 22126 таси микрофирма ва кичик корхоналар, 9837 таси якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 1763 таси фермер хўжаликлари, 581 таси бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони 629,7 минг нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 мингтага кўпайишига эришилди.

Кичик бизнесда банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши йил якуни билан 78,1 фоизга етди. Кичик бизнес субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятда жами 338 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан, 52 та тижорат банклари ҳамда 130 та минибанклар, 12 та ахборот-маслаҳат марказлари, 12 та консалтинг марказлари, 24 та аудиторлик фирмалари, 12 та ўқитиш марказлари, 5 та баҳолаш фирмалари, Товар ҳом-ашё биржасининг 14 та савдо майдончалари ва 68 та брокерлик идоралари, 2 та микрокредит ташкилоти, 4 та кредит уюшмалари ва 3 та бизнес инкубаторлар тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларига кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш ва бунинг эвазига ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва кўшимча янги иш ўринлари яратишни белгилаб олган эдик. Натижада, йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 112,2 млрд.сўм кредит жумладан, 29,1 млрд.сўм микрокредитлар ажратилди. Умумий ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан (80,1 млрд.сўм) 1,4 маротаба ўсиши таъминланди. Тижорат банклари томонидан ўтган йилда ажратилган кредит маблағларининг 80,7 млрд.сўми ёки 72 фоизи узоқ муддатли кредитлар бўлиб, ажратилган кредитлар ҳисобига 15850 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳоли даражаси юқори бўлган туман ва шаҳарларда “Микрокредитбанк” маблағлари ҳисобидан 10529,1 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Вилоятда кичик бизнес субъектларига хом ашё, моддий техника ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб бериш, Республика мол хом ашё биржаси Наманган филиали ва бошқа ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг шаҳар ва туманларида товар хом ашё биржасининг 68 та брокерлик идоралари, рўйхатдан ўтган савдо майдончаларининг 16 тасидан 14 таси кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоят ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига асосан бўш турган Давлат тасарруфида бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланишни тартибга солиш ва “Балансда сақловчи” давлатга тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда хусусий бизнес субъектларининг бино ва иншоотлари ижарага бериш буйича ўтказилган хатловлар натижасида қўшимча 85 та объектларда 56799,6 кв. метр бўш турган майдонлар аниқланди ва ушбу бинолар тадбиркорларни талаби асосида бериб борилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 246-сонли қарорни қабул қилиниши натижасида, 2010 йилни ўзида саноат соҳасида 336 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1499 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Дастур параметрларини амалга оширилиши натижасида, саноатда 3094 та ва хизмат кўрсатишда 16251 та иш ўринлари яратилди. 2011 йилда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида шаҳар ва туманлардаги 760 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларига зарур бўлган турли хилдаги хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объектларини хатловдан ўтказиб чиқилди. Хатлов натижасида, 1287 та савдо ва хизмат ҳамда 800 дан

ортиқ ишлаб чиқариш йўналишларига эҳтиёж борлиги, уларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини аниқланди.

2.1.1-жадвал

Наманган вилояти кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт амаллари тахлили

Шаҳар ва туманлар	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий экспорт ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг улуши, %*)		
	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2009 йилга фарқи (+,-)
Мингбулоқ	0,0	0,0	0
Косонсой	8,2	14,6	6,4
Наманган	21,2	13,4	-7,8
Норин	0,0	30,4	30,4
Поп	0,0	0,0	0
Тўрақўрғон	0,1	4,7	4,6
Уйчи	1,8	14,5	12,7
Учқўрғон	0,0	0,0	0
Чортоқ	100,0	99,9	-0,1
Чуст	6,9	96,2	89,3
Янгиқўрғон	100,0	100,0	0
Наманган ш.	25,2	17,6	-7,6
Жами	28,3	73,2	44,9

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

2.1.1- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан қилинган экспорт миқдори тахлил қилинган йиллар давомида ўсишга эришилган. Бу эса ушбу соҳани ривожланишига вилоятда алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

Вилоятда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг умумий экспортдаги улуши 28,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 73,2 фоизга етган ёки 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 44,9 миқдорда ошган. Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида жами экспорт

килинган маҳсулотлари 100 фоиз ушбу соҳа вакиллари хиссасига тўғри келади.

Мингбулоқ, Поп ва Учқўрғон туманларида эса экспорт маҳсулотлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар улуши 2009 ва 2010 йиллар давқида кузатилмаган. Келажакда ушбу туманларда ҳам бу соҳани ривожланиши вилоятдаги жами экспорт таркибидаги улушини кўпайишига ижобий таъсир кўради.

Чуст туманида кичик бизнес корхоналари йилдан йилга ривожланиб кўпайиб бормоқда. Биз буни 2010 йилда 2009 йилга нисбатан туманда жами экспорт таркибидаги улушини 89,3 фоизга оширилгидан ҳам билишимиз мумкин. Туманда 2009 йилда кичик бизнес корхоналарининг умумий экспортдаги улуши 6,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 96,2 фоизга етган. Бу эса туманда кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Косонсой туманида 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг жами экспортдаги улуши 8,2 фоиз, 2010 йилда эса 14,6 фоизни ташкил этган.

Наманган туманида эса ушбу кўрсаткичда пасайиш кузатилган. Туманда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар улуши 21,2 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 13,4 фоизга тушган. Бу эса ушбу туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар ривожидан пасайиш кузатилаётганлигини билдиради.

Вилоятда Норин туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожланишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Буни биз юқоридаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан туманда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар томонидан экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмаган бўлса, 2010 йилга аелиб бу корхоналарининг туман ялпи экспортидаги улши 30,4 фоизни

ташкил қилган. Бу эса туманда ушбу соҳа ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

2.1.2-жадвал

Наманган вилояти кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган импорт амаллари тахлили

Шахар ва туманлар	Махсулот (ишлар, хизматлар) умумий импорт ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши, %		
	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2009 йилга фарқи (+,-)
Мингбулоқ	100,0	100,0	0
Косонсой	100,0	100,0	0
Наманган	56,4	94,6	38,2
Норин	100,0	100,0	0
Поп	28,5	14,0	-14,49
Тўрақўрғон	21,8	26,9	5,08
Уйчи	100,0	100,0	0
Учқўрғон	92,6	67,9	-24,7
Чортоқ	96,3	100,0	3,7
Чуст	49,9	98,2	48,28
Янгиқўрғон	3,9	87,5	83,6
Наманган ш.	16,0	31,7	15,6
Жами	44,9	64,4	19,5

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

2.1.2- жадвал маълумотларидан кўра, Вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбирконлик корхоналари томонидан қилинган импорт миқдори тахлил қилинган йиллар давомида ўсишга эришилган. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбирконликни ривожланишига вилоятда алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

Вилоятда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг умумий импортдаги улуши 44,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 64,4 фоизга етган ёки 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 19,5 миқдорда ошган.

Мингбулок, Уйчи, Косонсой ва Норин туманларида маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий импорт ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 100 фоизни ташкил қилган.

Наманган вилоятининг барча туманларида импорт маҳсулотлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар улуши 2009 ва 2010 йиллар ўзгариб борган. Келажакда ушбу туманларда ҳам бу соҳани ривожланиши вилоятдаги жами импорт таркибидаги улушини кўпайишига ижобий таъсир кўрсади.

Чуст туманида кичик бизнес корхоналари йилдан йилга ривожланиб кўпайиб бормоқда. Биз буни 2010 йилда 2009 йилга нисбатан туманда жами импорт таркибидаги улушини 48,28 фоизга ошганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Туманда 2009 йилда кичик бизнес корхоналарининг умумий импортдаги улуши 49,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 98,2 фоизга етган. Бу эса туманда кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Учкўрғон туманида 2009 - 2010 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг жами импортдаги улуши пасайиб борган. Жумладан, туманда 2009 йилда 92,6 фоиз, 2010 йилда эса 67,9 фоизни ташкил этган.

Поп туманида ҳам ушбу кўрсаткичда пасайиш кузатилган. Туманда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг жами импортдаги улуши 28,5 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 1,4 фоизга тушган. Бу эса ушбу туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар ривожига пасайиш кузатилаётганлигини билдиради.

Вилоятда Наманган туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожланишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан туманда 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар томонидан импорт маҳсулотларидаги улуши 56,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга аелиб бу корхоналарнинг туман ялпи импортидаги улши

94,6 фоизни ташкил қилган. Бу эса туманда ушбу соҳа ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини билдиради.

2.2 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари молиявий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда, шунингдек, Инқирозга қарши дастурлар доирасида қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари топшириқларини бажарилишига асосий эътибор қаратилганлиги натижасида 2010 йил якуни билан вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 23,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, капитал қуйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмини 16,1 фоизга ўсишига эришилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотдаги саноатнинг улуши 7,2 фоизни (2009 йилда 7,1%), қурилиш 7,1 фоизни (7,3%), қишлоқ хўжалиги 34,1 фоизни (33,8%), транспорт ва алоқа 8,1 фоизни (7,9%) ташкил этди.

Шунингдек, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши олдинги йилга нисбатан қарийиб 4 пунктга ошиб, 76,0 фоизни ташкил этди. 2010 йил мобайнида барча манбалар ҳисобидан 206,5 млрд.сўмлик (ўсиш 1.2 марта) кредитлар берилган бўлса, уларнинг 112.2 млрд сўми ёки 54.0 фоизи кичик бизнес субъектларига йўналтирилди. Шундан 31,5 млрд.сўми қисқа муддатли (28,0%) ҳамда 80,7 млрд.сўми (72,0%) узоқ муддатлидир.

Бугунги кунда вилоятимизда кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йил 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони 27525 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан (26548 та) 977 тага кўпайишига эришилди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони ўтган йилга нисбатан 596 тага кўпайиб, уларнинг сони 24935 тага етди.

2.2.1- жадвал.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2008-2010 йилларда тижорат банклари томонидан берилган кредитлар. (млн. сўм)

№	Шаҳар ва туманлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2008 йилга нисбати (+,-)
1	Мингбулоқ	1681,2	3219,0	4497,0	2815,8
2	Косонсой	1621,1	3965,2	5539,0	3917,9
3	Наманган	1602,4	3349,0	4681,0	3078,6
4	Норин	1131,3	2679,8	3758,0	2626,7
5	Поп	2401,2	4336,4	6114,0	3712,8
6	Тўрақўрғон	1773,9	3096,4	4630,0	2856,1
7	Уйчи	2121,0	3819,0	5355,0	3234
8	Учқўрғон	2607,2	4780,0	6697,0	4089,8
9	Чортоқ	1756,6	4158,1	5803,2	4046,6
10	Чуст	2632,0	4621,3	6465,0	3833
11	Янгиқўрғон	1291,5	3148,7	4401,0	3109,5
12	Наманган шаҳри	30065,7	38838,0	54288,7	24223
Жами		50685,0	80011,0	112229,0	61544

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

2.2.1- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Вилоят бўйича бу кўрсаткичлар 2008 йилда 50685,0 миллион сўмни, 2010 йилда 112229,0 млн сўмни ташкил этган ҳолда, 61544 млн сўмга кўпайгандир. Мингбулоқ туманида 2815,8 млн.сўмга, Косонсой туманида 3917,9 млн.сўмга, Наманган туманида 3078,6 млн.сўмга, Поп туманида 3712,8 млн.сўмга, Тўрақўрғон

туманида 2856,1 млн.сўмга, Уйчи туманида 3234 млн.сўмга, Учкўрғон туманида 4089,8 млн.сўмга, Чортоқ туманида 4046,6 млн.сўмга, Чуст туманида 3833 млн.сўмга, Янгиқўрғон туманида 3109,5 млн.сўмга, Наманган шаҳрида 24223 млн.сўмга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк томонларидан ажратилаётган кредитлар миқдори олдинги йилларга караганда ортгандир.

2.2.2-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 2008-2010 йилларда маҳаллий бюджетларга тушган тушумлар (млн.сўм).

№	Шаҳар ва туманлар номи	2008 йил	2010 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Мингбулоқ	411	739,9	328,9
2	Косонсой	1020,3	1056,7	36,4
3	Наманган	1446	2403,4	957,4
4	Норин	175,2	661,6	486,4
5	Поп	528	842,5	314,5
6	Тўрақўрғон	559,8	706,2	146,4
7	Уйчи	529,9	628,1	98,2
8	Учкўрғон	5000	873,3	-4126,7
9	Чортоқ	901,3	1259,2	357,9
10	Чуст	1219,3	1061,7	-157,6
11	Янгиқўрғон	1093	1538,5	445,5
12	Наманган шаҳри	8428,4	10027,2	1598,6
Жами		16812,2	21798,3	4986,1

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

2.2.2-жадвалдан кўриниб турибдики маҳаллий бюджетларни даромадларини шаклланишида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ўрни ҳам юқори бўлмоқда. Вилоят бўйича 2008 йилда 16812,2 млн сўм, 2010 йилда 21798,3 млн сўм маҳаллий бюджетларга тушумлар бўлган. Бу кўрсаткичларда етакчилиқни Наманган шаҳри эгаллаб турибди. 2008 йилда 8428,4 млн сўм, 2010 йилда 10027,2 млн сўм бўлган, яъни кўрсаткич 1598,6 млн сўмга ошгандир. Энг юқори кўрсаткич сифатида

Наманган тумани ажралиб турибди. Учқўрғон ва Чуст туманларида маҳаллий бюджетларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан берилаётган тушумлар камайган, қолган туманларда ўсиш бўлган.

Чунончи, мамлакатимиз Президенти «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимояланишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги фармонида биноан лицензияланадиган фаолият турлари белгилаб берилган, бироқ айрим ҳокимликлар тадбиркорлардан Фармонда кўзда тутилмаган фаолият турлари учун ҳам лицензия олишни талаб қилмоқдалар. Бу эса уларни ҳуқуқини камситишдир.

Шу туфайли бизнинг фикримизча, тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қуватлаш борасида ялпи мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даркор. Бу дастур мамлакат минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига аъзолик ва кўнгилли бўлган ташкилотларга мажбурий тартибда яратилишга қаратилиши лозим. Дастурда минтақавий омилларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Улар минтақавий иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифалари билан осон боғланиши зарур. Ушбу вазифаларда маҳаллий бозорларни шу ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш яроқли аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлаш, меҳнатга ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби вазифаларни алоҳида ажратиш мумкин ва ҳоказо.

Ҳудудий бошқарув органлари, шу жумладан шаҳар бошқарув маъмурияти маҳаллий бюджетга шакллантиришни муҳим таркибий қисми сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни чинакамига яратиш ҳамда уни ривожлантиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Ҳозирги шарт-шароитларда шаҳарларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий истиқболдаги вазифалари мажмуини ҳал этишда муҳим рол ўйнаши мумкин. Шунинг учун ҳудудий идоралар истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлари билан тўлдиришдан манфаатдор ҳамда маркетинг ва реклама фаолиятини амалга ошириш йўли

билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим. Маҳсулотни у ишлаб чиқарилган ҳудуд доирасида сотиш бозорини шакллантириш, экспортга йўналтириш ва импорт товарларини суриб чиқаришнинг турли усуллари билан биргаликда амалга оширилиши лозим.

Кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 2010 йил якуни билан 76 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 пунктга ўсди. Натижада, саноат тармоқларида 33,9 фоиз, қурилишда 85,5 фоиз, пуллик хизматда 63,9 фоиз, савдода 50,4 фоиз, асосий капиталга инвестиция киритишда 56,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса 99,0 фоиз, экспортдаги улуши 73,2 фоиз, импортдаги улуши 64,4 фоизга етди.

Ҳисобот йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 247,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 143 фоизга ўсишига эришилди.

Бундан ташқари, аҳолига жами кўрсатилган хизматлар 770,8 млрд.сўмни ташкил этиб, 111,9 фоизга, пуллик хизматлар эса 277,4 млрд.сўмга ёки 117,9 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 34307 та иш ўринлари яратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 11825 тага кўпдир. Яратилган янги ишчи ўринларининг 22126 таси микрофирма ва кичик корхоналар, 9837 таси яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 1763 таси фермер хўжаликлари, 581 таси бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони 629,7 минг нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 мингтага кўпайишига эришилди. Кичик бизнесда банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши йил якуни билан 78,1 фоизга етди.

Кичик бизнес субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятда жами 338 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Жумладан, 52 та тижорат банклари ҳамда 130 та минибанклар, 12 та ахборот-маслаҳат марказлари, 12 та консалтинг марказлари, 24 та аудиторлик фирмалари, 12 та ўқитиш марказлари, 5 та баҳолаш фирмалари, Товар ҳом-ашё биржасининг 14 та савдо майдончалари ва 68 та брокерлик идоралари, 2 та микрокредит ташкилоти, 4 та кредит уюшмалари ва 3 та бизнес инкубаторлар тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларига кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш ва бунинг эвазига ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча янги иш ўринлари яратишни белгилаб олган эдик.

Натижада, йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 112,2 млрд.сўм кредит жумладан, 29,1 млрд.сўм микрокредитлар ажратилди. Умумий ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан (80,1 млрд.сўм) 1,4 маротаба ўсиши таъминланди.

Тижорат банклари томонидан ўтган йилда ажратилган кредит маблағларининг 80,7 млрд.сўми ёки 72 фоизи узоқ муддатли кредитлар бўлиб, ажратилган кредитлар ҳисобига 15850 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳоли даражаси юқори бўлган туман ва шаҳарларда “Микрокредитбанк” маблағлари ҳисобидан 10529,1 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вилоятда кичик бизнес субъектларига хом ашё, моддий техника ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб бериш, Республика мол хом ашё биржаси Наманган филиали ва бошқа

ташкilotлар орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг шаҳар ва туманларида товар хом ашё биржасининг 68 та брокерлик идоралари, рўйхатдан ўтган савдо майдончаларининг 16 тасидан 14 таси кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоят ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига асосан бўш турган Давлат тасарруфида бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланишни тартибга солиш ва “Балансда сақловчи” давлатга тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда хусусий бизнес субъектларининг бино ва иншоотлари ижарага бериш бўйича ўтказилган хатловлар натижасида қўшимча 85 та объектларда 56799,6 кв. метр бўш турган майдонлар аниқланди ва ушбу бинолар тадбиркорларни талаби асосида бериб борилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 246-сонли қарорни қабул қилиниши натижасида, 2010 йилни ўзида саноат соҳасида 336 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1499 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Дастур параметрларини амалга оширилиши натижасида, саноатда 3094 та ва хизмат кўрсатишда 16251 та иш ўринлари яратилди.

2011 йилда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида шаҳар ва туманлардаги 760 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларига зарур бўлган турли хилдаги хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объектларини хатловдан ўтказиб чиқилди. Хатлов натижасида, 1287 та савдо ва хизмат ҳамда 800 дан ортиқ ишлаб чиқариш йўналишларига эҳтиёж борлиги, уларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини аниқланди. Бу аниқланган лойиҳа эгаларини ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, 4200 дан ортиқ иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари шаҳар тузилмаларидан олишга умид қилаётган асосий ёрдамнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат: Молиявий ёрдамнинг аниқ ва етарли даражада ошкор бўлган тартиби; ҳуқуқий меъёрлар ва тадбиркорлар фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома шаклидаги бошқа ҳужжатларнинг барқарорлиги; тадбиркорлар учун муайян солиқ ва бошқа имтиёзларни яратиш.

2.2.3-жадвал.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2008-2010 йилларда асосий капиталига киритилган инвестициялар. (млн.сўм).

№	Шаҳар ва туманлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2008 йилга нисбати (+,-)
1	2	3	4	5	6
1	Мингбулоқ	3308,8	3611,3	6543,8	3235.0
2	Косонсой	3664,3	10208,6	8295,5	4631.2
3	Наманган	3695,8	7680,7	9853,3	6157.5
4	Норин	3555,3	6008,3	7083,5	3528.2
5	Поп	3574,5	5568,8	8429,0	4854.5
6	Тўрақўрғон	4613,2	5147,0	9664,3	5051.1
7	Уйчи	3701,4	7694,8	9549,6	5848.2
8	Учқўрғон	3966,4	7455,6	8897,1	4930.7
9	Чортоқ	3566,4	4763,1	7146,1	3579.7
10	Чуст	3192,0	6225,4	10240,9	7048.9
11	Янгиқўрғон	3209,9	5812,5	8894,4	5684.5
12	Наманган шаҳри	8805,2	12152,3	22153,9	13348.7
Жами		48797,8	82328,4	116751,4	67953.6

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

2.2.3 - Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори барча туманларда ўсган. Вилоят бўйича 2008 йилда 48797.8 млн сўмни, 2010 йилда 116751.4 млн сўмни ташкил этган, олдинги йилга нисбатан инвестициялар миқдори 67953.6 млн сўмга ўсган.

Энг юқори кўрсаткичлар Чуст туманида 7048,9 млн сўмга, Наманган шаҳрида 13348,7 млн сўмга ортган. қолган туманларда ҳам ўтган йили 2008 йилга нисбатан юқори кўрсаткичлар билан юқунланган. Жумладан, Янгиқўрғон туманида 5684,5 млн.сўмга, Уйчи туманида 5848,2 млн.сўмга, Наманган туманида 6157,5 млн.сўмга, Учқўрғон туманида 4930,7 млн.сўмга, Поп туманида 3528,2 млн.сўмга, Косонсой туманида 4631,2 млн.сўмга, Чортоқ туманида 3579,7 млн.сўмга, Норин туманида 3528,2 млн.сўмга ўсишга эришилган.

2.2.4-жадвал.

Наманган вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга 2008-2010 йилларда киритилган инвестицияларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига киритилган инвестициялар улуши.(фоизда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2008 йилга нисбати (+,-)
1	Мингбулоқ	44.9	61.0	64.4	19.5
2	Косонсой	56.7	82.1	60.8	4.1
3	Наманган	41.2	51.7	22.9	-18.3
4	Норин	52.2	68.2	59.9	7.7
5	Поп	66.5	15.2	23.7	-42.8
6	Тўрақўрғон	57.8	42.1	50.6	-7.2
7	Уйчи	40.6	71.3	73.8	33.2
8	Учқўрғон	63.3	82.7	58.8	-4.5
9	Чортоқ	51.9	55.3	44.1	-7.8
10	Чуст	12.0	22.1	57.2	45.2
11	Янгиқўрғон	36.5	62.3	46.9	10.4
12	Наманган шаҳри	32.7	19.8	26.4	-6.3
Жами		38.3	37.8	39.1	0.8

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ўрни муҳим бўлганлиги муносабати

билан, уларга инвестицияларни ажратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқца. Буни 2.2.4-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Умумий ажратмалар улушида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ўрни ҳам юқори бўлмоқда. Вилоят бўйича 2008 йилда 38.3 %, 2010 йилда 39,1%ни ташкил этган ҳолда кўрсаткич 0.8 га ўсгандир. Энг юқори улушларга 2010 йилда Чуст туманида 45,2%, Уйчи туманида 33,2 %, Мингбулоқ туманида 19,5 %, Янгиқўрғон туманида 10,4%, Норин туманида 7,7%, Косонсой туманида 4,1%га ўсиш кузатилган. қолган туманларда пасайиш кузатилган. Жумладан, Наманган туманида 18,3%, Поп туманида 42,8%, Тўрақўрғон туманида 7,2%, Учқўрғон туманида 4,5%, Чортоқ туманида 7,8%, Наманган шаҳрида 6,3%га камайган.

Кўп укладли тизимда хусусий мулк, яъни хусусий уклад етакчи бўлади. Чунки бозор иқтисоди шуни тақозо қилади. Мазкур иқтисод ўз моҳияти билан демократик, эркин бўлиб, унга кўплаб мустақил иқтисодий субъектлар иштирокидагина эришилади. Бу эса ўз навбатида, хусусий мулк бўлишини талаб қилади. Нимани ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, буни кимга ва неча пулга сотиш масаласини мулк эгасини ўзи мустақил ҳал этади. Бошқа биров, унинг мулкчини тасарруф этиши мутлақо мумкин эмас. Агар шундай бўлса ҳам иқтисодий эркинлик ўрнига, иқтисодий зўравонлик келиб чиқади. Бозор тизимига тўғри келмайди. Иқтисодий эркинлик ва масъулият биргаликда бўлади. Шуни инобатга олиб, хусусий мулкчилик кўп укладлилиқ асосида олиб қаралади.

Ўзбекистондаги хусусий мулкчилик фаолияти фирмалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридан, фермер ва деҳқон хўжалигидан, томорқа хўжалиги ва индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардан ташкил топган. Мазкур хўжалик турларини умумийлиги хусусий мулкнинг мавжудлиги, хўжалик фаолиятининг либераллиги (эркинлиги) бозор учун ишлашда бўлса, уларнинг фарқлари ишлаб чиқариш миқдори технологияларнинг ҳар-хиллиги, хўжалигининг товарлилиқ даражаси ва натурал истеъмоллик бўлиши ёки бўлмаслиги,

давлат буюртмасига қай даражада ишлаши, нархларнинг эркинлик даражаси ва ниҳоят, ўз меҳнати ва ўзгалар меҳнатидан фойдаланишда кўринади. Мазкур фарқланишни англаш учун хусусий укладдаги фаолиятдан хабардор бўлиши зарур.

2.2.5-жадвал

Вилоят бўйича умумий экспорт ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини улуши (фоизда).

№	Шаҳар ва туманлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2008 йилга фарқи (+,-)
1	Мингбулоқ	4,6	2,4	1,3	-3,3
2	Косонсой	2,5	3,8	6,4	3,9
3	Наманган	13,8	20,0	93,3	79,5
4	Норин	9,3	10,1	12,4	3,1
5	Поп	1,2	1,5	2,9	1,7
6	Тўрақўрғон	12,8	76,4	1,8	-11
7	Уйчи	2,4	3,1	11,9	9,5
8	Учқўрғон	ОД	14,3	12,5	12,4
9	Чортоқ	21,1	54,8	100,0	78,9
1	Чуст	22,2	5,7	13,4	-8,8
1	Янгиқўрғон	16,1	18,3	41,9	25,8
1	Наманган шаҳри	31,3	28,8	30,7	-0,6
Жами		19,3	32,7	52,9	33,6

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

2.2.5 - жадвал маълумотларини кўрсатишича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг экспорт салоҳияти юқори эмас. Импорт кўрсаткичларига нисбатан экспорт кўрсаткичлари анчагина пастдир. Вилоят бўйича 2008 йилда 19,3%, 2010 йилда 52,9% салмоққа эга бўлмоқда, яъни 33,6% га ўсиш бўлган. Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Янгиқўрғон туманларида умуман экспорт салоҳиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ўрнини кучайтириш лозимдир. Косонсой, Наманган, Поп, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида ўсишга эришилгандир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устуворлиги билангина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси унча юксак эмаслиги туфайли капитал сиғими юқори бўлмаслиги билан ҳам ажралиб туради. Ишлаб чиқаришнинг серкапитал бўлмаслиги туфайли кичик корхоналар катта инвестицияларни талаб этмайди. Аммо кенг доирада ихтисослашган бўлишади. Асосан, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишади. Улар яратган товарлар маҳаллий ва миллий бозорга мўлжалланади.

Шунинг учун уларнинг экспорт салоҳияти, кичик корхоналарда ишлаб чиқариш кўлами катта эмас. Аммо уларнинг товарлилик даражаси жуда юқоридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ижтимоий аҳамияти шундаки, улар биринчидан, истеъмол бозорини арзон товарлар билан тўлдирадилар. Иккинчидан, аҳоли бандлигини ошириб, даромадини кўпайтириб оладиган соҳа ҳисобланади. Мазкур корхоналар эркин, монополлашмаган корхоналар саналади. Улар фаолиятисиз эркин рақобат муҳитини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутгани учун давлат ҳар-хил йўллар билан унинг ривожланишини рағбатлантиради. Улар орасида солиқ воситасида рағбатлантириш асосий ўрин тутди. Шунингдек, давлат корхоналарини микрокредит билан қўллаб қувватлайди.

Ўтиш даврида кўп укладлилик тизими давлат раҳнамолигидаги ислохотлар туфайли шаклланиши мумкин. Давлат умуммиллий манфаатини ифода этар экан, барқарор иқтисодий ўсишда манфаатдор бўлади. Шу боисдан хусусий секторни ўстиришга интилади. Чунки бу рақобатни асосий иштирокчиси ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Эркин рақобат бор жойда барқарор иқтисодий ўсиш юз беради.

2.2.6-жадвалда Наманган вилояти импорт ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг салмоғи келтирилган.

Вилоят импорт ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
корхоналари улуши (%).

№	Шаҳар туманлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилни 2008 йилга фарқи (+,-)
1	Мингбулоқ	100,0	100,0	100,0	-
2	Косонсой	100,0	19,7	100,0	-
3	Наманган	98,7	66,0	9,5	-89,2
4	Норин	100,0	100,0	100,0	-
5	Поп	3,6	4,5	54,3	50,7
6	Тўрақўрғон	8Д	7,9	5,4	-2,7
7	Уйчи	100,0	100,0	100,0	-
8	Учқўрғон	100,0	38,9	16,7	-83,3
9	Чортоқ	92,9	100,0	100,0	7,1
10	Чуст	100,0	96,3	84,7	-15,3
11	Янгиқўрғон	28,3	41,9	17,5	-10,8
12	Наманган	36,3	38,3	35,6	-0,7
Жами		65,6	62,5	51,5	-14,1

Манба: Наманган вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида.

2.2.6 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот импорти ҳам яхши йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Мингбулоқ, Косонсой, Норин, Уйчи туманида 100% импорт қилинган. Маҳсулотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тўғри келмоқда. Аммо, ушбу корхоналарни улуши охирги йилларда камайгандир. Наманганда 89,2%, Тўрақўрғонда 2,7%, Учқўрғонда 83,3%, Чустда 15,3%, Янгиқўрғонда 10,8% ва Наманган шаҳрида 0,7% га камайиш кузатилган. Фақатгина Поп туманида 50,7%га ва Чортоқ туманида 7,1% га ўсган. Вилоят бўйича 2008 йилда 65,6% ни, 2010 йилда 51,5% ни ташкил этган, яъни 14,1% га камайган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга оширишни лозим деб топамиз:

- танлов асосида танлаб олинган юридик ёки жисмоний шахсларга давлат активларини бошқаришни ишониб топшириш;

корхоналар акциясининг иккинчи эмиссиясига ёрдамлашиб, даромад олишига имкон туғдириш;

- очик турдаги акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)га айлантиришга ёрдам бериш. Бунинг учун давлатга тегишли акцияларни юридик ёки жисмоний шахсларга сотиш;

корхоналарни қайта ташкил этишда юқори лавозимли раҳбарларнинг ўрни ва роли моҳиятини аниқлашчи дастур асосида ўқув курсларини уюштириш;

- бозор аҳволини таҳлил қилиш, маркетинг хизматини йўлга қўйиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг харидоргирлиги (даромадлилиги)ни ўрганиш, хорижий ҳамкорлар билан иттифоқ тузишни уюштириш;

- маҳсулот сифатини ошириш, корпоратив бошқарувчилик услубларини ўргатиш;

- ходимларни фирманинг замонавий бошқарув санъати билан таништириш.

III-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш масалалари

3.1. Кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;
- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;
- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8

фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди (3.3.6-расм). Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожига учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КфВ), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

2010 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан эътиборан 7 фоизли солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналари учун жорий этилди.



3.3.6-расм.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислохатларнинг чуқурлашуви мулкчилик шакллари, тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, аҳоли фаровонлигини оширишда, қишлоқ ва шаҳар жойларда аҳоли бандлиги муаммосини ечишда муайян ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ихчамлиги ва яширин бозор талабини тезда ўрганиш, ҳаракатчанлиги туфайли кам маблағ сарфлаб маҳаллий эҳтиёжни қондириш учун турли зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва уни бозорга таклиф қила олади. Унинг яна бир муҳим ижобий

томони ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланади, бу эса маҳсулот таннарҳининг бирмунча арзон бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезонлари ишлаб чиқилган. Улар:

- фаолият йўналиши бўйича: ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти;
- тадбиркорликнинг қандай вазифани бажаришга йўналтирилганлигига қараб: ишлаб чиқаришни бошқариш, молиялаштириш, воситачилик ва маслахатчиликка қаратилган тадбиркорлик;
- фаолият турларининг сони бўйича: битта соҳадаги ва кўп тармоқли тадбиркорлик;
- фаолияти мураккаблиги бўйича: махсус билим талаб қилмайдиган, махсус билим талаб қиладиган, юқори технологияга ва нодир билимларга асосланган тадбиркорлик;
- фаолиятининг тармоқ йўналиши бўйича: саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа хўжалиги тармоқларидаги тадбиркорлик турларини ажратишдан иборат.

Давлат органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳамда ихтисослаштирилган асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулот турларини етказиб беришга оид тадбирларни амалга оширадилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотини сотиш бўйича ихтисослаштирилган улгуржи бозорлар, ярмаркаларни уюштириш ва улар фаолиятларини ташкил қилишда, шу жумладан бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларни, давлат мулки бўлган бошқа мол-мулкни бериш йўли билан имкониятлар яратади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқариш технология жихатидан қўллаб-қувватлаш имтиёзли шартларда амалга оширилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар нисбатан ишлаб чиқариш технологик қўллаб-қувватлашни амалга ошираётган

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзлар берилган.¹³

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш, имтиёзлар бериш, текширишларни, ҳисоботлар ва тадбиркорлик субъектларнинг фаолиятларига аралашувларни қисқартириш, рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишни ҳабардор қилиш тартиби киритилиши ва тадбиркорлар учун кредит ва ҳом ашё ресурсларини кенгайтирилиши юзасидан чоралар кўрилганлиги, ўз навбатида йилдан йилга вилоятлар иқтисодиётида тадбиркорликнинг улушини ўсишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса сифатида Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва шу асосда унинг келажакдаги ривожланиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда қуйидаги йўналишлар белгилаб қўйилди:

- мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ

¹³ ЎзР кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури (ЎзР ВМ 1995й. 28 августдаги 344-сонли қарорига илова)

ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган махсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

- давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

- кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни мухандислик-коммуникатсия тармоқларига улаш, нотузаржой хоналари ва зарур йер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификатсиялаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

- кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва

- хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инноватсион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан хал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини Жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултиватив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

3.2. Янги иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар бозор иқтисодиётини барпо этишга йўналтирилган бўлиб ривожланган мамлакатлар орасидан жой олишдир. Бозор иқтисодиёти кўп укладли бўлиб, унда ишлаб чиқариш талаб ва таклифга қараб амалга оширилади ва пул муносабатлари устуворлиги сезилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар талаби ишлаб чиқаришни тартибга солувчи восита бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги жадал ҳаётда замонавий талабнинг янада кенгайиб ва тезда ўзгариб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни зарур қилиб қўймоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини, инвестициялар жалб этилишини ва ресурслардан максимал даражада ишлатилишини таъминлайди. Бундан ташқари бозор иқтисодиётига мос бўлган тез ўзгарувчан шароитда мослашувчанлик, бошқарувда эгилувчанлик намоён бўлади ҳамда аҳолини иш-жой билан таъминлашда катта рол ўйнайди. Ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятини яратади. Бу Ўзбекистонда ишлаб

чиқарилаётган ЯИМнинг кўпайишига олиб келади. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил қилинган ҳар бир янги иш жойи йирик корхоналарда яратилган иш жойига нисбатан камроқ харажат талаб қилади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, масалан, Японияда ҳозиргача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодийнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Япониянинг статистика маълумотларига назар солсак, 2004 йилда ялпи миллий маҳсулотдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 78,4 фоизни, 2008 йилда улгуржи савдодаги улуши 82,5 фоизни ташкил қилган ва чакана савдодаги бу кўрсаткич 88,6 фоизгача етган. Бу статистик маълумотлар шунинг билдирадигани, иқтисоди кучли бўлган Япониядек давлат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига кўпроқ суянади.

Хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда унинг ривожланиши, аниқ бир давлат мисолида олганимизда, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитига ҳамда шу давлат раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларга ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида хусусий сектор тобора кенгайиб бормоқда ва уларга берилган ҳуқуқлар тобора мустақамланмоқда. Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини, эркинлигини оширишда ва ривожланиши учун давлатимиз тарафидан катта шарт-шароитлар яратилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда Республикамиз давлат томонидан хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун Президентимиз томонидан бир қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда тегишли қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24

мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш кўзда тутилган. Ушбу фармон ва қарордан кўзланган мақсад кичик бизнесни тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг аҳамиятини ошириш ва уларга имтиёзлар яратиб беришдир.

Бундан ташқари 25 май 2007 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти» эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг меъёрий базасини кучайтиришга ва тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаолиятини субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун ва олинган кредитлардан мақсадли фойдаланиш учун унинг инфратузилмасини, кучли меъёрий база билан таъминлаш ва самарали кредитлаш механизмини яратиш зарур. Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади:

- чет эл инвестициясини кенгроқ ўзлаштириш учун, тижорат банкларида очилган кредит линиялари бўйича оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда маълумот етказиб туриш;

- имтиёзли кредитларни фоиз ставкаларини табақалаштириш, уни Ўзбекистон ҳудудларини, об-ҳаво, географик, демографик ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда кредитлаштиришни амалга ошириш. Лойиҳаларни молиялаштиришда бундай ёндашув барча ҳудудлар иқтисодини тенг ва муносибликда ривожланишига олиб келади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида лизинг операцияларини кенгайтириш, уни ишлаб чиқариш самарадорлигини

оширишга, янги техника ва технологияни қўллашда катта имкониятлар яратади ва савдога қўйилаётган товарларни рақобатли бўлишига ёрдам беради.

Ҳозирги замон талаби бўлиб келаётган ва ривожланган давлатларни ҳар бир соҳасида, ҳамда жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш мақсадида компютерлашган ахборот тизимини кенгайтириш ва шундай тизим йўқ соҳаларда уни ташкил этиш шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик системасида ҳам бу мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликааги бундай компютерлашган ахборот тизими қуйидаги маълумотлар базасига эга бўлади: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжаликлари бўйича умумий маълумотлар (унинг ҳажми, нархи сифати ва бошқа кўрсаткичлари), бундан ташқари, мамлакат ичидаги талаблардан ташқари хорижий талаблар маълумоти билан ҳам таъминлаган бўлиш керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил қилинган бундай компютерлашган ахборот тизими сотувчи ва харидорларни бир-бири билан боғлашга ва қисқа вақт ичида олди-сотди операцияларини амалга оширишга ҳамда ишлаб чиқариш режасининг тўғри қўйилишига ёрдам беради. Бундай компютерлашган ахборот тизимини товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатасида ташкил қилиш ва уни ташкил қилишдаги молиялаштириш масалалари муаммо эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу тизимни хўжалик ҳисобида юритиш ўринлидир.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини консул்தатив функциясини кучайтириш ва тадбиркорлар учун тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ҳамда иш фаолияти жараёнида туғилаётган саволларга (юримдик, иқтисодий, янги техника, ҳамда кадрлар бўйича) тезкорлик билан жавоб олиш механизминини яратиш. Ҳар биримизга маълумки, Ўзбекистонда 60% дан ортиқ аҳоли қишлоқ жойларида яшайди ва шуни эътиборга олган ҳолда қишлоқ ва фермер хўжаликларинини ривожлантириш учун товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тарафидан кўпроқ шу соҳага эътиборни қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди; кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик корхоналарини иш фаолиятини аниқлашда фақат ишчи ходимларнинг сони ҳисобга олинади. Лекин бу ҳолатда аниқланган кўрсаткич тўла объектив эмас. Бунинг учун чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини аниқлашда яна меъзон сифатида активларнинг ҳажми ва сотиш ҳажмини олиш объектив аниқлашга замин яратади. Бундан ташқари, қишлоқда етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини узок вақт бузилишдан сақлай оладиган совутгич-омборхоналар, мева-сабзавотларни қайта ишловчи кичик цехлар ташкил этиш, озиқ-овқат, қандолатчилик ва макарон маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйиш қишлоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна битта жуда муҳим бўлган масалага аҳамият бериш лозим. Бу эса, ўз вақтида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари бошқа бозор иқтисодиёти субъектлари билан иқтисодий муаммоларда бўлганда, айниқса, катта ташкилотлар билан, ўзаро тўлов интизомига риоя қилинишига эътиборимизни қаратишимиз зарур, чунки катта ташкилотлар кичик ташкилотларга жудда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслиги учун қуйидаги ишларни амалга оширишлари керак:

- бозор иқтисодиёти шароитида савдо соҳаси катта ўрин тутди. Шунини эътиборга олиб ва чет эл тажрибасидан фойдаланган ҳолда «Савдо кодекси»ни юридик органлар томонидан ишлаб ва иқтисодий ҳаётга тадбиқ этиш меъёрий базани кучайтиришга, тўлов интизомига риоя қилишга ҳамда олиш-сотиш жараёнида учраб келаётган муаммоларни тез вақт ичида қонун орқали ечилишига олиб келади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий вазифалардан бири-давлат ва нодавлат йирик ташкилотларга хом-ашё, керак бўлган деталлар билан истеъмолини қондириш. Лекин бу иқтисодий

масалаларда тенгсиз молиявий аҳволдаги йирик ташкилотлар ўз вақтида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига уларга тегишли бўлган маблағни тушириб бермаганлиги сабабли банкрот ҳолатларига учрашишига олиб келмоқда. Шунинг учун хўжалик судлари меъёрий ҳужжатларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ва йирик корхоналар ўртасидаги муаммоларни ҳал этишда тегишли имтиёзлар беришни, яъни кичик корхоналар жабрланганда суд харажатларини йирик корхоналар ҳисобидан олиниши;

- шартномалар тузилишида кичик корхоналардаги кадрлар етарли даражада юридик билимга эга бўлганлиги учун шартномаларни бажарилмаслигига олиб келмоқда, шу сабабларни ҳисобга олган ҳолда тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таништириш ва таъминлаш, расмийлаштириш бўйича етарли билим бериш шароитларини яратиш, бу ишлар бўйича товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар шуғулланса;

- шартномалар тузиш олдидан сотувчи-олувчининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот олиш механизмини ишлаб чиқиши керак, бунга компьютерлашган ахборот тизимини жалб этиш мумкин;

- чет эл амалиётида сотувчининг молиявий аҳволига таъсир этувчи омиллардан бири ўз вақтида тушумни олиш, шу мақсадда нотўловлар бўйича суғурта иши ташкил қилинган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ҳудудида ҳам шу тажрибалардан фойдаланиш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ривожлантириш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Республикамиз ҳукуматининг «инвестиция» дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожлантиришга уларни инвестиция фаолиятини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида мамлакатимиз банк тизими алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республикамиз банк тизимида мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари шаклланишига ва уларнинг қўллаб-қувватланишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу борада, айниқса «Пахта банк», «Тадбиркорбанк», «Ғалла банк», «Ўзприватбанк» кабиларнинг фаолияти беқиёс катта. Мазкур банклар қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тармоқларга узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бермоқда ва унинг натижасида қишлоқдаги иш билан бандлигини таъминлаш лозимдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимиз ҳаётининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларидаги ва меҳнат ресурслари, иқлими, ер ости ва ер усти бойликларининг кўплиги жиҳатидан

дунёдаги ҳеч бир мамлакатдан қолишмайди. Фақат шу бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланилса, унга меҳнат ресурслари тўлиқ жалб этилса, чет эл инвестициялари ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жорий этилса, қисқа муддатлар ичида кўзланган мақсадларга эришиш фаолиятлари очилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этишда барча омиллар ичида экологик омил муҳим рол ўйнамоқда. Бу омил айниқса хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган корхоналарга тегишлидир. Республикамизга хориждан сармоядорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшма корхоналар қуриб, ҳамкорлик қилиш мақсадида тобора кўп келишмоқца. Лекин уларнинг кўпчилиги марказларда, шаҳарларда жойлашмоқца, ваҳоланки жойларда фойдаланилмай ётган бинолар, мулк арзон, хом-ашё, ишчи кучлари бисёр, халқ истеъмоли молларига бўлган талаб эса каттадир.

Хориж сармоядорларига қулай имкониятлар яратилиб, улар билан ишлашини қонун устиворлигида, шартномалар асосида таъминланса, албатта марказдан узоқ, экологик ноқулай ҳудудларга ҳам хорижий сармоядорлар кўплаб кириб келади.

Демак, истиқболда кичик бизнесни ривожлантиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- мавжуд кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш;
- кичик бизнеснинг янги субъектларини яратиш;
- норасмий асосда ишлаётган кичик корхоналарни аста-секин расмий секторга бирлаштириш;
- имтиёзли кредитларнинг мавжудлигини таъминлаш;
- кичик корхоналарга бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва шакллантиришнинг афзаллик жиҳатлари:

- кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун кўп миқдорда айланма маблағлар талаб этилмаслигида;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти замон талабига мослашиш даражаси юқори эканлигида;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари бозорларга тез мослаша олишида;
- янги иш жойлари ташкил этилиши орқали ишсизликнинг олди олиниб, аҳоли даромадларининг ортиши мумкинлигида;
- истеъмол бозорида товарнинг сифати ошиб, нархлар пасайтирилишида кўринади.

Кичик бизнес корхоналарининг жамият ҳаётида бажарадиган муҳим вазифаларидан бири аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш ва даромадларини оширишдан иборат.

Мамлакатимизда ва унинг минтақаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳоли даромадларининг ошиши кўп жиҳатдан минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг ошишига боғлиқ. Шу муносабат билан республикаимиз минтақаларида кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, республикаимиз минтақаларида кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш мақсадида:

кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий жиҳатдан қолоқ қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес учун солиқ ва бошқа имтиёзларини жорий этиш;
- кичик бизнес корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун зарурий ишларни бажаришга жалб этиш, турли пудрат ишларига иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш;
- бозор инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда йирик шаҳарларда

фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектларининг филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш;

- кичик бизнес соҳасида ишловчиларни ўқитиш учун бизнес-мактаблар, касбий маҳорат мактаблари тармоғини кенгайтириш;

- кичик корхоналарнинг хом-ашё, асбоб-ускуна, технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

- моддий ишлаб чиқариш соҳасига кўпроқ ишбилармон, тадбиркор ва билимдон кишиларни жалб этиш;

- менежмент, маркетинг, тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти соҳаси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақобатга чидамли қилиб ташкил этиш, деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш, хусусий мулкчиликнинг вужудга келишига кенг йўл очиш;

- қўшма корхоналар, акциядорлик уюшмаларини ташкил этишни жадаллаштириш;

- қишлоқларда маҳсулотларни қайта ишлаш ва тайёрлов корхоналарини

ташкил этиш, уларнинг фаолиятларини яхшилаш, маҳсулотларни nobуд бўлишига чек қўйишига, илғор самарали ишлаб чиқариш шакллари

ривожлантириш ва киритилаётган хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш молия-кредит бозори, солиқ ва банк тизимини тадбиркорларга қулайликлар яратиш йўналишида такомиллаштириб боришда давлатнинг бошқарувчилик ролини ошириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

1. «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида» 1990 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
2. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йуллари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь
- 4.
5. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида» ги қонун Тошкент. «Халқ сўзи» декабр 1998 йил.
3. «Хусусий корхоналар тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такоминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 16 июн сони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси 2005 йил 25 июн сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» ги қарори №197. 04.04.2002 йилги.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

10. Каримов И. А. «Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз». «Халқ сўзи» газетаси. 2004 йил 10 феврал.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. «Халқ сўзи» газетаси. 2005 йил 29 январ.

12. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Т.:

13 Меҳнат, 2000 16.Абатуров В., Пугач Г. И др. Малый и средний бизнес в Узбекистане:

современное состояние, проблемы и перспективы.

14 балкин Л. Экономические реалии и абстрактные схемы. Ж.Вопросы экономики, 1996 г №2.

15 Гуломов С.С. Тадбиркорлик асослари. Тошкент, 2001 йил.

16 Ходиев Б.Ю ва б.қ.лар. Кичик бизнесни бошқариш Тошкент., Ўқитувчи, 2003 й.

17. Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик (Академик С.С./уломов тахрири остида) Тошкент, Меҳнат 1997 й.

18. Тадбиркорларнинг энциклопедик луғати. Тузувчи С. М. Синельников ва бошқалар , СГТБ «Алга-Фонд», «Аякс», 2004

19. Саноат ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни ташкил қилиш. Тошкент, 1990 й.

20. Иқтисодий энциклопедия. Тошкент 1995 й.

21. Шумпетер И. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибу́ли, капитала, кредита процента и цикла конъюнктуры. Москва, Пргресс, 1982 г.

22. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, Москва, Прогресс, 1990 г.

23. Худайбердиев З.Я. Развитие системў подготовки кадров для сферў предпринимательства. Ташкент, 2002 г.

24. Улмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, Меҳнат, 1995 й.

III. Статистик тўпламлар.

25. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари.

26. Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

27. www.region.uz

28. www.doc.uz

29. www.stat.uz

30. www.ref.uz

31. www.ziyonet.uz